

Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА № 28

Коровулбозор ш

«05» январ 2022 йил

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс) Коровулбозор туман Телекоммуникация боғламаси (**операторнинг номланиши**) Бухоро вилояти Телекоммуникация боғламаси (**лицензия берган ташкилотнинг номи**) томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи Ме. Гуматов (**раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси**) тимсолида бир томондан,

Юридик шахс,
Бюджетдан маблаг олувчи ташкилот номи: Коровулбозор туман касб хунар таълим мактаби
Манзили Коровулбозор ш
Раҳбар, Ф.И.Ш. У.Расулов

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва кўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонет эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2019 йилда бюджетдан (махсус ҳисоб рақамидан) алоқа хизматлари учун ажратилган маблаглар доирасида қуйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зимасига олади Жумладан:

Йил					(сумда)
	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 Бюджет ҳисобидан	90.000				90.000
Махсус ҳисоб рақамидан	-	-	-	-	-
Жами:	90.000				90.000

Жами 2022 йил учун 90.000 (Туксон минг) сум.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни кўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охирги ускуналарини шартномага кўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш коидалари»да белгилаб берилган бошқа бир катор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

Оператор курсатилган хизматлар ҳисоб-варак фактураларини хар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориш мажбуриятини олади.

1.7. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларда бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.1.8. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга.

Операторнинг ҳуқуқлари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг рухсатисиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган ҳолда, телефон рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Қуйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун 4.б., 4.б.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алоқасини узиш ҳақида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);

- абонент томонидан охири қурилмаларни ишлатиш қоидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига ҳалақат берган ҳолларда;

2.2.4. Абонентнинг ушбу 364-15-43 рақамлари шаҳар ичида телефон сўзлашувлари алоқасига уланган.

3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини узишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар такрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охири қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлик 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

3.10.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олинishi зарур.

3.11. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган ҳатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.12. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

4. ХИЗМАТЛАРГА ХАҚ ТУЛАШ.

- 4.1. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун тўловлар:
Шартноманинг 1.2-бандида белгиланган ҳар чорак учун тулов суммасининг ўртача бир ойлик маблағининг 100% и миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилади. Ҳар ой якуни билан томонлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома ёки ҳисоб-фактура асосида ҳақиқатда кўрсатилган хизмат учун қолган тўлов амалга оширилади.
- 4.2. Олдиндан тўлов тариқасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин, якуний тўлов томонлар ўртасидаги далолатнома асосида 1 ой ичида ўтказилади.
- 4.3. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган тўлов суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан қуйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:
- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;
 - ҳисоблагичлар;
 - шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.
- Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).
- 4.4. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланганлиги учун тўлов ҳисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга қиради), ҳисоб варағида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.
- 4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варақ фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.
- 4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.
- 4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.
- 4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.
- Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор ва «Абонент» келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.
- 4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорида, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг телефонида тегишли эканлигига норози бўлса, у ҳисоб варағини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантирмаса судга мурожаат қилиши мумкин.
- 4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.
- 4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдорида тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, бу қарздорлик тўлик ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.
- 4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлик миқдорда ундириб олинади.
- 4.11. Халқаро ва шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамни аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.
Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Хўжалик судида ҳал этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

Томонларнинг хошиш-истагига мутлако боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.

Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

8.1. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома «05» январ 2022 йилдан 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Оператор»

Коровулбозор Телекомуникация боғланмаси

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Коровулбозор тумани

Тел./факс 364-17-73

х/р 20210000604074838228

Банк номи БУХОРО Ш., АТ "АЛОКАБАНК"

БУХОРО ФИЛИАЛИ

МФО 00961

СТИР 203366731

ОКОНХ 52300

Раҳбар

И. Турсунбаев
(Ф.И.Ш.)



«Абонент»

Коровулбозор туман касб хунар мактаби

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил Коровулбозор ш

Тел./факс 364-15-43

х/в 100010860062327092901001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 203751894

ОКОНХ 92120

Ҳазначилик бўлини маси номи: Молия вазирлиги

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк тошкент ш
МФО: 00014

Ҳазначилик бўлини маси СТИРи: 201122919

Раҳбар У. Расулов



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш.):

Васил Д. Ҳусеинов